

## Камбағаллик Тушунчаси, Унинг Асосий Йўналишлари Ва Турлари

Обид Мамаюнович Пардаев

ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги  
директорининг 1-уринбосари, мустақил тадқиқотчи

**Аннааааатация.** Мақолада камбағалликнинг назарий масалалари, унинг таърифи, камбағалликнинг сабаблари, хусусан, иқтисодий, ижтимоий, шахсий (индивидуал) каби асосий йўналишлари қараб чиқилган. Ҳозирги пайтда дунё миқёсида камбағаллик ва уни қисқартириш масаласи долзарб бўлиб турган бир паллада ушбу тушунчанинг бир нечта ўлчовлари ва турлари (7 та) ҳам қараб чиқилган. Уларнинг ҳар бирига қисқача изоҳ берилган.

**Калит сўзлар.** камбағаллик, камбағаллик даражаси, бандлик, ишсизлик, маҳалла, оила эҳтиёжи, даромад, иш ҳақи, иқтисодий ресурслар, ижтимоий ресурслар, маданий ресурслар, мутлоқ камбағаллик, даврий (мавсумий) камбағаллик, мустаҳкам камбағаллик, субъектив камбағаллик.

## Понятие Бедности, Её Основные Направления И Виды

**Аннотация.** В статье рассматриваются теоретические вопросы бедности, её определение, причины бедности, в частности, такие основные аспекты, как экономическая, социальная и личностная (индивидуальная). В настоящее время, когда проблема бедности и её сокращения актуальна в глобальном масштабе, рассматриваются несколько измерений и видов этого понятия (7). Дается краткое описание каждого из них.


**Ключевые слова:** бедность, уровень бедности, занятость, безработица, район проживания, потребности семьи, доход, заработная плата, экономические ресурсы, социальные ресурсы, культурные ресурсы, абсолютная бедность, периодическая (сезонная) бедность, устойчивая бедность, субъективная бедность.

## The Concept Of Poverty, Its Main Dimensions And Types

**Abstract.** This article examines theoretical issues of poverty, its definition, and its causes, particularly its key aspects, such as economic, social, and personal (individual). Currently, when the issue of poverty and its reduction is relevant on a global scale, several dimensions and types of this concept are considered (7). A brief description of each is provided.

**Keywords:** poverty, poverty level, employment, unemployment, neighborhood, family needs, income, wages, economic resources, social resources, cultural resources, absolute poverty, periodic (seasonal) poverty, persistent poverty, subjective poverty.

**Кириш. Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Аҳолини камбағалликдан чиқиш ва



фаровонлигини янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-143-сонли Фармони. 2024 йил 04 октябрда имзоланган “Бандлик ва камбағалликни қисқартириш сиёсатини яхшилаш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-347-сонли қарори қабул қилинди. Юқоридаги фармонда 2024 йил охиригача 500 минг, 2025 га бориб 1 миллион одамни камбағалликдан чиқариш мақсади қўйилган. Буларга эришиш учун меҳнат бозори таҳлили, банд бўлмаганларни рўйхатга олиш, иш билан таъминлаш дастурлари шакллантирилиши белгиланди, шунингдек, “маҳмалла” даражасида чора-тадбирларни кўриш масаласи ҳам кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатларга асосан кам даромадли оилаларга микрокредит бериш, кичик ҳамда ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, “маҳалла” инфратузилмасини яхшилаш, иш билан таъминлаш ва касб-хунар тайёрлаш дастурлари жорий этилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимоя чоралари кенгайди, хусуан камбағал оилалардан чиққанлар, ногиронлиги бўлганлар, оилавий муаммолари бўлганлар каби заиф қатламларга нисбатан маош, имтиёз, ижтимоий ёрдамлар кўпайтирилди. Кўриниб турибдики, мазкур масала бугунги кунда ўта долзарб масалалардан бирига айланган.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада камбағаллик тушунчаси, унинг асосий йўналишлари ва турларини тадқиқ қилиш жараёнида макон ва замон, индукция ва дедукция, шакл ва мазмун, таҳлил ва синтез каби усулларида фойдаланилган. Бунда асосан мантикий таҳлил усуллари ҳам қўлланилган.


**Таҳлил ва натижалар.** Тадқиқотларимиз кўрсатдики, 2019 йилда камбағаллик даражаси ~23 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2023 да ~11 % гача туширилди<sup>1</sup>. 2025 йил охиригача камбағаллик даражасини 6 % атрофида ушлаб туриш ва имкон қадар камайтириш, 2026 йилга белгиланган режада камбағаллик ва ишсизлик даражасини 4.5 % дан пастга тушириш кўзда тутилган.

Президент томонидан “камбағалликни қисқартириш — миллий ҳаракат” деб эълон қилинди, барча даражадаги ҳокимлар, маҳалла, бандлик, ижтимоий ҳимоя идоралари бунга маъсул қилиб белгиланган. Ҳар бир камбағал оилага индивидуал ёндашув асосида оиланинг вазияти, қобиляти ва зарурати инобатга олиниб, мос чора-тадбирни белгилаш вазифаси ҳам юклатилган. «Маҳалла» даражасида микролойиҳалар, кичик корхоналар, хунармандчилик, кичик бизнес, касб-таълим — булар орқали аҳолига даромад манбаи яратиш ва мустаҳкам даромадга эга бўлиш имконини кенгайтириш вазифаси ҳам қўйилган.

Камбағаллик масаласи қаралган пайтда бевосита ушбу тушунчанинг таърифини алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Жуда кўп муаллифларнинг бу бўйича фикрларини ўрганиб, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, ушбу тушунчанинг такомиллашган таърифини ишлаб чиқдик. **Камбағаллик деганда, инсон ёки оила ўзининг асосий эҳтиёжларини қондириш учун минимал турмуш даражасини таъминлашга етарли даромадга эга бўлмаганлиги оқибатида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ресурслар етишмаслиги натижасида инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришига имкониятининг чекланганлик ҳолати тушунилади.**

Камбағалликнинг муҳим жиҳатларидан бири аҳолининг етарли даромадга эга эмаслиги натижасида тўлақонли яшашга имкониятининг йўқлиги туфайли озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, тиббий хизмат, таълим хизматлари каби асосий эҳтиёжларни қондираолмаслик эвазига, ижтимоий имкониятлардан чекланган ҳолда, турмуш даражасининг пастлиги ва сифатининг талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқ. Бундай ҳолат жуда кўп оимларга боғлиқ. Буларга давлатнинг аҳолини етарли иш ўринлари билан таъминлашга имкониятларининг етишмаслиги, одамларнинг ўзини ўзи банд

<sup>1</sup> [https://president.uz/en/lists/view/7537?utm\\_source=chatgpt.com](https://president.uz/en/lists/view/7537?utm_source=chatgpt.com).



қилиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш кўникмасига эга эмаслиги, хусусий мулкнинг ривожланмаганлиги кабилар билан боғлиқ омиллар ҳам киради.


Камбағалликни қисқартириш эвазига аҳолининг ҳаётида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ресурслар етишмаслиги ва аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун чекланган имкониятлар ҳам бутунлай бартараф қилинади. Бунга эришиш учун камбағалликка олиб келадиган барча йўналишлар ва омилларни қараб чиқишни тақозо қилади. Бунинг учун уларнинг сабабларини атрофлича таҳлил қилишни тақозо қилади.

Куйида камбағалликнинг сабаблари ва унинг қанақа турлари мавжудлигига имкон қадар тўлиқ тавсиф беришга ҳаракат қилишни мақсад қилдик. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, камбағалликка олиб келадиган сабаблар ва омиллар учта гуруҳга бўлинар экан. Камбағалликнинг сабаблари алоҳида йўналишлар бўйича куйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Камбағалликнинг сабабларини ифодаловчи асосий йўналишлар**

| <b>Т/р</b> | <b>Камбағаллик сабабларининг асосий йўналишлари</b> | <b>Камбағаллик сабаблари йўналишларининг мазмуни</b>                                                                                   |
|------------|-----------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>1.</b>  | <b>Иқтисодий</b>                                    | Худудлардаги ишсизликнинг мавжудлиги                                                                                                   |
|            |                                                     | Аҳолининг иш билан банд эмаслиги эвазига барқарор даромад манбасининг йўқолиши.                                                        |
|            |                                                     | Банд аҳолининг маошларининг пастлиги                                                                                                   |
|            |                                                     | Иш билан банд бўлган аҳолининг айрим қатламларида топган даромадларининг асосий эҳтиёжларни қоплашга етмаслиги                         |
|            |                                                     | Инфляция ва нарх-навонинг даромадга нисбатан тез ўсиши                                                                                 |
|            |                                                     | Даромадларнинг барқарорлиги сақланган ҳолда товарлар нархининг қимматлашган-лиги эвазига аҳолининг харид қобилиятининг пасайиб кетиши. |
|            |                                                     | Иқтисодий инқирозларнинг мавжудлиги билан бирга бозор мувозанатининг барқарор эмаслиги.                                                |
|            |                                                     | Худудлараро ривожланишнинг тенгсизлиги                                                                                                 |
|            |                                                     | Турмуш даражасининг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги фарқларнинг мавжудлиги.                                                         |
|            |                                                     | Таълим даражасининг эҳтиёжга мос эмаслиги ва пастлиги                                                                                  |
| <b>2.</b>  | <b>Ижтимоий</b>                                     | Кам малака — кам маошнинг сақланиб қолиши.                                                                                             |
|            |                                                     | Соғлиқни сақлаш хизматларига етарли мабағни тўлаш имкониятининг йўқлиги                                                                |
|            |                                                     | Оилаларнинг катталиги эвазига кўп болалиликка мос даромаднинг йўқлиги                                                                  |
|            |                                                     | Айрим ҳолларда ижтимоий адолатсизлик ва коррупциянинг мавжудлиги                                                                       |
|            |                                                     | Манфаатлар тенгсизлиги ва унғ мос тақсимотнинг йўқлиги                                                                                 |
|            |                                                     | Аёллар учун махсус иш ўринларининг яратиш имкониятларининг чекланганлиги                                                               |



|    |                        |                                                                                                        |
|----|------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 3. | Шахсий<br>(индивидуал) | Замонавий технологияга мос касблар ёки малакалар етишмаслиги                                           |
|    |                        | Аҳолининг молиявий саводхонлигининг пастлиги                                                           |
|    |                        | Аҳолида саломатлик муаммоларининг мавжудлиги                                                           |
|    |                        | Нотўғри иқтисодий харажатлар, айниқса тўй-тамошалардаги катта исрофгарчилик                            |
|    |                        | Оила эҳтиёжига сарф-харажатларни меъёрдан ошириб юбориш оқибатида ортиқча қарздорликнинг юзага келиши, |

Жадвалдан кўриниб турибдики, камбағалликнинг сабабларини ифодаловчи асосий йўналишларнинг аксарияти ўнгланиши мумкин бўлган жараёнлар. Бунинг учун ҳар бир аҳолининг камбағалликни қисқартиришга оид саводхонлигини ва масъулиятини оширишга қаратилган таълим ва тарбияни кучайтиришни тақозо қилади.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ҳозирги пайтда дунё миқёсида камбағаллик ва уни қисқартириш масаласи долзарб ҳисобланар экан. Ушбу тушунчанинг бир нечта ўлчовлари ва турлари ҳам борлигига гувоҳ бўлдик. Булар куйидагилардан иборат

**Биринчиси, мутлоқ (абсолют) камбағаллик.** Бунда инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган минимал эҳтиёжларни (озик-овқат, кийим-кечак, турар жой) қондиришга даромади етмаслиги билан баҳоланади. Бугунги кунда Жаҳон банки стандарти бўйича бир кишининг кунлик эҳтиёжини қоплайдиган даромад 2.15 доллардан кам бўлмаслиги лозим (олдин 1,9 доллар эди).

**Иккинчиси, релатив (аҳолининг ўртачадан паст даромад топиши) камбағаллик.** Бунда аҳолининг ўртача даромади 5 долларга тенг бўлиши мумкин. Агар айрим одамларнинг даромадлари шунга нисбатан паст даражада бўлса у жамиятдаги бошқаларга нисбатан кам таъминланган ҳисобланади. Бошқалардек яшаши учун маблағи камлик қилади.


**Учинчиси, иқтисодий камбағаллик.** Бунг иш билан банд аҳолининг паст маош олиши, умумий тарзда кам даромад топиши, ишсизлик оқибати, иш ўринларининг етишмаслиги сабабларидан келиб чиқадиган камбағалликни киритиш мумкин.

**Тўртинчиси, ижтимоий камбағаллик.** Бунга ижтимоий хизматлар (таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилма)дан фойдаланиш имконияти чекланган ҳудудларда яшаш натижасида келиб чиқадиган камбағал аҳоли қатлами киради.

**Бешинчиси, даврий (мавсумий) камбағаллик.** Бунга мавсумий ишларда ишлайдиган ёки иқтисодий ўзгаришларга боғлиқ равишда вақти-вақти билан камбағалликка тушиб қоладиган аҳоли қатлами киради. Бу кўпинча қишлоқ хўжалигида мавсумий банд бўлиб ишлайдиганлар ва бошқа ишларда фаолият кўрсатиб турган пайтда корхонанинг косодга учраб қолиш ҳолларининг рўй бериши каби ҳоллари ҳам содир бўлади.

**Олтинчиси, мустахкам (хроник) камбағаллик.** Бунга узоқ муддатли, бир неча авлоддан бери давом этадиган камбағаллик киради. Буларга мисол қилиб, аксарият ҳолда дангаса, ўзига бефарқ одамлар ва уларнинг худди шундай авлодлари киради. Жамиятга фойдаси тегадиган ишлар билан шуғулланиш масалаларига ҳам бефарқ одамлар бўлади. Ўзига бефарқ одамлар, албатта атрофдагиларига ҳам бефарқ бўлиши тайин.

**Еттинчиси, субъектив камбағаллик.** Булар кўпинча руҳий жиҳатдан ўзини ўзи шундай ўйлайди. Чунки айрим кишиларнинг даромади ўзига етарли бўлса ҳам, ўзини жамиятдагиларга нисбатан кам таъминланган, деб ҳис қилади. Бундай кишиларни



қаноатсиз одамлар, деб айтишади. Чунки бундайлар олдин ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор ва келажакда ҳам бўлмасликка кафолат йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, камбағалликни қисқартириш учун унинг сабаблари ва турларини ҳам имкон қадар ўрганишни тақозо қилар экан. Ушбу заруриятдан келиб чиқиб, ушбу йўналишларга тўлиқ тавсиф беришга ҳаракат қилинди. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, камбағалликка олиб келадиган сабаблар ва омиллар учта гуруҳга бўлиниши ҳам уларнинг эътиборга олинishi ҳам ҳозирга камбағалликни қисқартириш тадбирлари амалга оширилатган пайтда мамлакатимиз учун ўта муҳим эканлиги ҳам асосланди.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Аҳолини камбағалликдан чиқиш ва фаровонлигини янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-143-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 04 октябрда имзоланган “Бандлик ва камбағалликни қисқартириш сиёсатини яхшилаш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-347-сонли қарори.
3. Пардаев М.Қ., Инсон салоҳияти, инсон капитали ва инновация билан боғлиқ категорияларнинг назарий масалалари. Монография. (Ҳаммуаллифлар: С.А.Бабаназарова, О.Пардаева, О.Пардаев, Ҳ.Н. Очилова, М.О.Мамаюнусова, Қ.Б.Дилманов) –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2024. 204 бет.
4. Пардаев М.Қ., Озода.Пардаева. Минтақада ўзини ўзи иш билан банд қилишнинг моҳияти ва “фрилансинг” тушунчасининг маъмуни. // “Логистика ва иқтисодиёт” журнали. 2020. 4-сон. 31-35 бетлар. нашрдан чиқди.
5. Пардаев М.Қ., Пардаев Олим. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-амалий тавсия. – Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 68 б.